

Шайтон Аллоҳ исми зикр қилинмаган овқатни ўзига ҳалол қилиб олади



Шайтон Аллоҳ исми зикр қилинмаган
овқатни ўзига ҳалол қилиб олади

Кун дуоси

04:15 / 06.08.2025 1039

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга овқат тановул қилгани ўтирсак, у зот қўлларини узатмагунларича биз узатмас эдик. Бир гал у зот билан бирга таомда бўлганимизда, бир қиз келиб, овқатга қўл узатишга шошаётганида у зот қўлидан ушлаб четга олиб қўйдилар. Кейин бир аъробий келиб, у ҳам узатмоқчи бўлганида Расулуллоҳ унинг ҳам қўлидан ушлаб, четга олиб қўйдилар. Сўнгра у зот: **«Албатта шайтон Аллоҳ исми зикр қилинмаган овқатни ўзига ҳалол қилиб олади. У (шайтон) овқатни ҳалол қилиш учун бу қизча билан келди. Мен унинг қўлидан тутдим. Сўнгра овқатни ҳалол қилиш учун бу аъробий билан келди. Унинг ҳам қўлидан тутдим. Менинг нафсим Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, у (шайтон)нинг қўли улар икковининг қўли билан менинг кафтимдадир»**, дедилар. Кейин Аллоҳ исмини зикр қилиб, овқат тановул қилдилар».

Имом Муслим ривояти.

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.